

Қарзни тўлаш учун кредит олиш

16:30 / 24.12.2020 17753

Савол:

Ассалому алайкум Мен бир инсондан 18 миллион сўм миқдорда қарздор бўлиб қолганман. Шу қарзимни кредит орқали тўламоқчиман, кредитни бировнинг номига олиб, яна 2 киши кафил бўлгани ҳолда бошқа бировнинг дўконига банк ҳисоб рақамидан ўтказиб, дўкондан маълум фоиз ҳисобига нақдлаштирган ҳолда қарзимдан қутилмоқчиман. Шундай қилишим жоизми ёки кредит олишнинг бошқа бирор шаръий йўли борми?

Жавоб:

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

– Ва алайкум ассалом! Сиз ботқоқнинг янада чуқурроқ жойига тушишга ҳаракат қилаяпсиз экан. Бор бутингизни сотиб бўлса ҳам фоизга пул олмасдан қарзингизни тўланг. **Валлоҳу аълам!**

savollar.islom.uz/s/130329